

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ХУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА  
ЖИНОЙИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**262** Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида», «Адвокатура тўғрисида» ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10 ва 39-сон қарори (рўйхат рақами 2020, 2009 йил 19 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 43-сон, 461-модда) билан тасдиқланган Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Адлия вазири**

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.  
19 май 2014 й.,  
5-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

**Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ,  
валютага оид жиноятларга ва жиноий  
даромадларни легаллаштиришга  
қарши курашиш департаменти  
бошлиғи в. б.**

**Б. ЗИЛЯЕВ**

Тошкент ш.  
19 май 2014 й.,  
15-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура  
ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга  
ва жиноий даромадларни легаллаштиришга  
қарши курашиш департаментининг 2014 йил  
19 майдаги 5, 15-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий  
фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва  
терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича  
ички назорат қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. 1-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:  
**«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга  
ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқ-  
аро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар —** Жиноий даромад-  
ларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни иш-  
лаб чиқиш гуруҳининг (ФАТФ) расмий баёноتلарида халқаро молиявий ти-  
зимга хавф тугдирувчи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ле-  
галлаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизим-  
ларида стратегик камчиликлари мавжуд деб белгиланган давлатлар ва худуд-  
лар;»;

тўртинчи — ўнинчи хатбошилар тегишлича бешинчи — ўн биринчи  
хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

**«таваккалчилик —** мижозлар томонидан жиноий фаолиятдан олин-  
ган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақса-  
дида операцияларни амалга ошириш таваккалчилиги.».

2. 3-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари фаолияти соҳасида  
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни  
молиялаштириш таваккалчиликларини, шунингдек уларни камайтириш бўйи-  
ча чора-тадбирларни белгилаш ва баҳолаш;»;

иккинчи — тўртинчи хатбошилар тегишлича учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 4-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«нотариал идоралари ва адвокатлик тузилмалари фаолиятида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш таваккалчиликларини аниқлаш, баҳолаш ва камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш.».

4. 9-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида ички назорат тизимини ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Департаментнинг ваколатли вакиллари томонидан олиб борилган текширувлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мониторингни амалга оширадилар.».

5. 11-банд қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бўйича ўз таваккалчиликларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш, ушбу таваккалчиликларни ҳужжатлаштириш ва уларни камайтириш чора-тадбирларини кўриш.»;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

6. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари:  
иш муносабатлари ўрнатилганда;

олиб борилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадларига алоқадор эканлигига ҳар қандай шубҳа мавжуд бўлганда;

идентификациялаш учун аввал олинган маълумотларнинг аслийлиги ва ишончлилигига шубҳалар мавжуд бўлганда;

энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 500 баравари миқдоридан ортиқ бўлган бир марталик операциялар амалга оширилганда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўради.

Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари битим тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатларда ёхуд оффшор ҳудудларда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлганда мижозларни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини кўришлари лозим.».

7. Қуйидаги мазмундаги 16<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«16<sup>1</sup>. Мижозни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларига қуйидагилар киради:

мижоз ҳақида қўшимча маълумотлар (фаолият тури, активлар миқдори, очиқ маълумотлар базаси орқали олиниши мумкин бўлган маълумот ва бошқалар) олиш ва мижоз ёки бенефициар мулкдор бўйича маълумотларни янада тезроқ янгилаб бориш;

мижоздан унинг пул маблағлари манбалари ёки молиявий ҳолатининг манбаси ҳақида маълумот олиш;

режалаштирилган ёки ўтказилган операцияларнинг сабаблари тўғрисида маълумотлар олиш;

қўшимча текширишни талаб қиладиган операциялар (битимлар) хусусиятини аниқлаш ҳамда текширишларнинг сони ва кетма-кетлигини ошириш йўли билан иш муносабатларининг кучайтирилган мониторингини амалга ошириш.».

8. Қўйидаги мазмундаги III<sup>1</sup>-боб билан тўлдирилсин:

### «III<sup>1</sup>. Таваккалчилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш

23<sup>1</sup>. Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари мижозлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида операцияларнинг амалга оширилишида таваккалчилик даражасини (бундан буён матнда — таваккалчилик даражаси деб юритилади) аниқлаш, баҳолаш ва камайтириш чора-тадбирларини кўришлари шарт.

Таваккалчилик даражаси мижоз тақдим этган ахборот асосида, амалга оширадиган операциялар турлари, мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлари, мижозни лозим тарзда текшириш натижалари ҳамда бошқа керакли маълумотларни ҳисобга олган ҳолда масъул ходим томонидан ҳар йили аниқланади ва баҳоланади.

Таваккалчиликларни баҳолаш натижалари ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда Департамент ёки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилиши лозим.

23<sup>2</sup>. Таваккалчиликнинг юқори даражаси тоифасига нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари аввалдан қўйидаги мезонларга эга бўлган мижозларни тегишли деб топиш ва уларга нисбатан кучайтирилган эътиборни қаратишлари лозим:

террорчилик фаолиятида иштироки ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг назорат остида эканлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган ёки шуғулланишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори ёхуд уни назорат қилувчи эканлиги тўғрисида маълумот мавжуд бўлган шахслар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда ёхуд оффшор ҳудудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

норезидентлар;

жойлашган жойи таъсис ёки рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаган ташкилотлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

фаолият даври молиявий йилнинг бир чорагидан ошмайдиган ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

хақиқий эгаси ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган шахс бўлган ташкилотлар;

мунтазам равишда (кетма-кетлиги уч ой мобайнида икки мартадан ортик) шубҳали операцияларни амалга ошираётган мижозлар;

масъул ходимда асосли шубҳа уйғотадиган молиявий операцияларни амалга оширувчи бошқа шахслар.

23<sup>3</sup>. Мижоз томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг тавсифи ўзгаришига қараб, нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари зарур бўлганда у билан ишлаш бўйича таваккалчилик даражасини қайта кўриб чиқиши лозим.

Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари барча мураккаб, ғайриоддий йирик операцияларга, шунингдек аниқ иқтисодий ёки қонуний мақсадга эга бўлмаган операцияларни амалга оширишнинг ғайриоддий схемаларига кучайтирилган эътибор қаратишлари керак.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот ҳудудий адлия органларига тақдим этилиши лозим.

23<sup>4</sup>. Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни кўришлари керак. Бу мақсадларда нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари:

янги хизмат турлари ва янги иш амалиёти ишлаб чиқилиши;

янги ва мавжуд хизмат турлари учун янги ёки ривожланаётган технологиялардан фойдаланилиши сабабли юзага келиши мумкин бўлган таваккалчилик даражаларини аниқлаши ва баҳолаши керак.

Бундай таваккалчиликнинг баҳоланиши хизматларнинг янги турлари, янги иш амалиётининг ишга туширилиши ёхуд янги ёки ривожланаётган технологияларни фойдаланишга туширишдан аввал ўтказилиши лозим.

Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари бундай таваккалчиликларни мониторинг қилиш ва уларни камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўришлари зарур.».

9. 24-бандда:

ўн иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн учинчи-ўн тўртинчи хатбошилар тегишлича ўн иккинчи-ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

10. Қўйидаги мазмундаги 26<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«26<sup>1</sup>. Операциянинг тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса, бундай операция Департаментга хабар қилиниши керак.».

11. Қўйидаги мазмундаги 33<sup>1</sup> ва 33<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«33<sup>1</sup>. Масъул ходимнинг фаолиятида фойдаланилган барча ҳужжатлар

**22 (626)-сон**

— 37 —

**262-263-моддалар**

(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Департамент билан ёзишмалар, шу жумладан юборилган хабарларнинг қоғоздаги ва электрон нусхалари, мижозларнинг қоғоздаги ва электрон анкеталари, журналлар ва бошқалар)дан фойдаланилишини чеклаш мақсадида, бундай ҳужжатлар ва уларнинг рўйхати бевосита махсус жиҳозланган хонада ёки ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда ушбу ходим томонидан сақланиши лозим.

33<sup>2</sup>. Ҳужжатларнинг электрон шакллари дастурий усулда архивлаштирилиши, электрон ахборот ташувчи ускуналарга ёзиб қўйилиши ҳамда масъул ходим томонидан уларнинг рўйхати билан биргаликда ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши зарур.».

12. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

**Адвокатлар**  
**палатаси раиси**

**Р. АХМЕДОВ**

*2014 йил 19 май*